ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2020/ №5(49)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда
8 марта (серия 2 марта)
чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил
17 августда 1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 28.08.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори, (Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Каримов Баҳодир Нурметович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алифриенко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Капар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Фатма Очик – филология фанлари доктори, профессор (Анқара, Туркия)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

М.Н.АБДУЛЛАЕВА, Г.Ғ ҒАФФАРОВА
Муҳаббат муаммоси замонавий фалсафа призмасида 5

Г.Т.МАҲМУДОВА
«Таълимдан – дунёқарашга» ижтимоий тараққиёт парадигмаси 10

А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ
Олий таълим трансформациясини тадқиқ этишнинг айрим назарий муаммолари.....17

ТАРИХ

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ
«Бобурнома» асарида хронология ва метрология.....25

Г.Б.НОРМУРОДОВА
Бухоро жадидлари ижтимоий бирдамлик йўлида 33

А.МАМАЖОНОВ
Юртдошларимизнинг Европа ҳудудида фашизмга қарши курашдаги иштироки.....40

Н.Б.КОМИЛОВ
Жадид Обиджон Маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари 47

М.Ҳ.ҒОЗИЕВ
Фарғона водийси чорвачилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....55

А.А.АБДУХАЛИМОВ
Фарғона водийси қишлоқларида умумтаълим мактаблари.....61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Ч.ИГАМУРАТОВА
А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги
«гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари.....68

Н.Х.ШАРАФИДДИНОВА
Ритмо-фонетик фигура компонетлари ва уларнинг ўрни 76

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х.ШАҲОБИДДИНОВА, Д.Ш.ЭГАМНАЗАРОВА
Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг
тарихи ҳамда асосий йўналишлари 84

Н.Д.ШИРИНОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият
маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар 93

Г.З.РОЗИҚОВА
Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шахс денотатли лексемалар синонимияси.....102

Ў.Ҳ.ИСЛАМОВ
Фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар.....109

Ш.М.СУЛТОНОВА
Диний лексика диний фразеологик бирликларнинг таркибий қисми сифатида.....115

Д.А.РУСТАМОВ
Лисоний қиймат ва мулоқот жараёни.....122

Д.Н.САТИМОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида сленг-лексема ва унинг семик таҳлили 130

Н.Р.АМОНТУРДИЕВ
Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили 138

D.A.SOBIROVA
Bolalar she'riyatida alliteratsiya 145

CONTENTS

PHILOSOPHY

M.N.ABDULLAEVA, G.G.GAFFAROVA
The cognitive system of sufism in the prism of modern philosophy 5

G.T.MAKHMUDOVA
From education to worldview is a paradigm of social development 10

A.A.EGAMBERDIEV
Study of some theoretical problems of higher education transformation..... 17

HISTORY

M.G.ABDULLAEV
Chronology and metrology in «Babur-name» 25

G.B.NORMURODOVA
Jadids of Bukhara on the way to social solidarity 33

A.MAMAJONOV
Participation of our countries in the struggle against fascism in Europe 40

N.B.KOMILOV
Socio-political and economic views of jadid Obidjon Makhmudov 47

M.H.GOZIEV
Ferghana valley livestock history (End of the XIXth - beginning of the XXth) 55

A.A.ABDUKHALIMOV
Secondary schools in the villages of the fergana valley 61

LITERARY STUDIES

D.Ch.IGAMURATOVA
Peculiarities of the translation of «speaker» names in A.Nekrasov's story «The adventures of captain Vrungel» 68

N.X.SHARAFIDDINOVA
Components and the place of rhithm-phonetic figures 76

LINGUISTICS

Sh.H.SHAHOBIDDINOVA, D.Sh.EGAMNAZAROVA
History and main directions of the study of the theory of the actual division of the sentence 84

N.D.SHIRINOVA
Gradual relations in demarcation of substance and attributive meanings in english and uzbek languages..... 93

G.Z.ROZIKOVA
Synonymy of lexemes with person denotatum in «Devon» of Mahmud Koshgari 102

O'.H.ISLAMOV
The factors creating eloquent speech 109

SH.M.SULTANOVA
Religious vocabulary as an integral part of religious phraseological units 115

D.A.RUSTAMOV
Language value and the communication process 122

D.N.SATIMOVA
Slang-lexeme and its semantic analysis in uzbek and english..... 130

N.R.AMONTURDIEV
Comparative analysis of the presentation of ethnolexemes in general dictionaries of the uzbek language 138

D.A.SOBIROVA
Alliteration in children's poetry..... 145

УДК 82-99

А.НЕКРАСОВНИНГ «КАПИТАН ВРУНГЕЛНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ» ҚИССАСИДАГИ «ГАПИРУВЧИ» НОМЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Д.Ч.Игамуратова

Мақолада А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасининг ўзбек тилига қилинган таржимаси таҳлилга тортилган. Бадиий адабиётда сатирик асарларда маънони билдирадиган номларни таржима қилиш зарурлиги ҳақида сўз юритилган. А.Некрасовнинг асарида учрайдиган «гапирувчи» номлар бадиий адабиётда қайси ҳолатларда таржима қилинмаслиги сабаблари қисса таржимаси мисолида ёритиб берилган. Таржима жараёнида таржимонни сўзма-сўз таржима қилишдан сақланиши, ижодий ёндашуви кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: *бадиий таржима, қаҳрамоннинг бадиий аҳамияти, А.Некрасов, қисса қаҳрамонлари, «гапирувчи» номлар.*

В статье анализируется перевод повести А.Некрасова «Приключения капитана Врунгеля» на узбекский язык. В ней представлен краткий обзор имен собственных. Даётся определение, в каких случаях необходимо переводить и каковы причины, по которым «говорящие» имена не переводятся в художественной литературе. Анализируется перевод «говорящих» имён, встречающихся в повести. Демонстрируется творческий подход к процессу перевода, избегание буквального перевода.

Ключевые слова: *художественный перевод, художественная значимость персонажа, А.Некрасов, герои повести, «говорящие» имена.*

Ўзбек адабиётининг бошқа халқлар адабиётлари билан адабий алоқалари нақадар узоқ тарихга эга бўлса, адабий алоқанинг аниқ ифодаси ҳисобланадиган бадиий таржима тарихи ҳам шу қадар узоқ асрларга бориб тақалади. Жаҳон адабиётининг энг юксак бадиий намуналари ўзбек тилига таржима қилиниши ниҳоятда сермаҳсул ва кўп қиррали бўлиб, бугунги кунда деярли барча жаҳон халқлари адабиётларидаги эътирофга сазовор асосий асарлар ўзбек тилига таржима қилинган. Бу борада болалар адабиёти таржимачилиги ҳам алоҳида ўрин тутади. Чунки жаҳон адабиётининг энг юксак намуналарини таржима қилиш орқали бу асарларни ўз халқининг ҳам маънавий мулкига айлантириш, уларни ижодий ўзлаштириш воситасида ўзи ҳам янги тур ва жанрлар билан бойиши, янги ижодий камолот босқичларига кўтарилиши кўп мисоллар билан исботланган ҳақиқатдир.

Маълумки, бадиий асарларда қўлланиладиган атоқли отларнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ икки гуруҳи мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси табиий тарзда пайдо бўлган отлар, иккинчиси сунъий, ўйлаб чиқарилган отлардир [1. Б. 123]. Биринчи гуруҳга кирадиган киши номлари ҳар бир халқнинг янги туғилган чақалоқни номлаш анъаналаридан келиб чиқиб, ушбу халқ ҳаёт тарзига мансуб муайян маънони ифодалашга хизмат қилади. Иккинчи гуруҳга мансуб атоқли отлар эса, асосан, бадиий асарларда учраб, ёзувчининг ижодий хаёлоти маҳсулидир. Уларнинг асосини ҳақиқий исмлардан фарқланмайдиган отлар, фамилиялар ва лақаблар ташкил қилади.

Одатда бадиий таржима жараёнида «номлар таржимаси бир қарашда қийинчилик туғдирмайдигандек туюлиши мумкин. Ҳаттоки бу таржима шартли ҳаракат деб номланади: одатда атоқли отлар транскрипция (транслитерация) қилинади, бошқача қилиб айтганда, таржима қилувчи тилнинг алфавит системаси ёрдамида уларнинг талаффуз қилиниши ёзилади» [1. Б. 123]. Масалан, «*Чиполлино*» (итальян тилидаги шакли *Cipollino*), «*Робинзон Крузо*» (инглиз тилидаги шакли *Robinson Crusoe*), «*Мюнхгаузен*» (немис тилидаги шакли *Münchhausen*) ва ҳ.к. Улардан «Робинзон Крузо» одатдаги инглизча исм-фамилия бўлса, «Чиполлино» итальян тилида «пиёз бола» деган маънони англатувчи «гапирувчи» номдир. Бадиий асарлар таржимасида айнан шу сингари «гапирувчи» номларни таржима қилиш таржимон зиммасига муайян қийинчиликлар туғдиради. Чунки «гапирувчи» номлар турли халқлар ёзувчилари томонидан, одатда, ҳажвий асарларда қўлланилиб, қаҳрамон характерини ифодалашга хизмат қилади. Таржима жараёнида «гапирувчи» номлар транскрипция қилиниб, аслиятдаги бажарадиган бадиий-эстетик функцияси ҳисобга олинмай қолади.

Шу жиҳатдан ҳам бадиий адабиётдаги маънога эга бўлган исм ва фамилиялар кўпчилик ҳолатда таржимага муҳтож бўлади. Чунки «айрим ибора-

лар, мақол ва маталлар, идиомаларнинг жуда яхши муқобиллари бўлишига қарамай, уларни айнан сақлаган ҳолда изоҳлар бериш, образлар тилининг ўзига хослигини акс эттираман деб қолдириш, ясама номлар, фамилиялар, лақаблар ҳамда тўқима жойларнинг номларини ҳамма ҳолларда ҳам ўзича қолдириш асарнинг бадиий қимматига маълум даражада зарар келтиради» [2. Б. 75 – 76].

Бинобарин, турлича «гапирувчи» номлар: шахс номлари, лақаблар, жой номлари, предмет номлари кабиларни таржима қилиш мутаржимдан таржима жараёнига ҳар бир ҳолатда алоҳида ижодий ёндашувни талаб қилади. Шундагина бу отларнинг бадиий матндаги моҳияти ва вазифаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда таржимада уларни қай йўсинда қайта яратиш устида ижодий изланиш имконияти пайдо бўлади. Чунки «билиш қийматига эга бўлса, атоқли номни ҳам таржима қилиш мумкин» [3. Б. 123].

Аслини олганда, ҳамма исм ва фамилиялар ўз маъносига эга бўлса-да, уларни таржима қилиб бўлмайди. «Гапирувчи» номлар таржимасида ниҳоятда эҳтиёткорлик зарур. Чунки «гапирувчи» номлар орасида истиснолари, яъни таржима қилинмайдиганлари ҳам мавжуд. В.С.Виноградов таъкидлашича: «Ўз билими, ички ҳиссиёти ва тажрибасига суяниб, таржимон «гапирувчи» ном билан таърифланган қаҳрамоннинг бадиий аҳамиятини белгилаб, бадиий роли ва вазифасини баҳолаб, асарнинг жанр ва услуб хусусиятлари, оригинал ва таржиманинг бадиий анъаналари, аслиятнинг яратилган даври, баъзан қаҳрамоннинг миллий адабиёт тарихидаги ўрнини аниқлаши лозим» [1. Б. 148]. Бунга мисол қилиб ўзбек адабиёти тарихида ўз мавқеига эга Насриддин Афанди, қозоқ адабиётида Алдар Кўса (сўзма-сўз таржима: ўзбек тилида «Алдоқчи кўса», рус тилида «Плещивый обманщик»)ни келтириш мумкин. Буларни таржима қилса ҳам бўларди, лекин улар адабиёт тарихида ўз мавқеи борлиги учун таржима қилинмайди. Демак, бундай типдаги асарларни таржима қилиш учун ҳар бир ҳолатда таржимон вазиятдан келиб чиқиб ўгириши мақсадга мувофиқ бўлади.

Жаҳон адабиёт тарихида, айниқса, болалар адабиёти тарихида «гапирувчи» номлар асосида яратилган асарлар ниҳоятда кўп. Биз ушбу мақоламизда А.Некрасовнинг ўзбек тилига таржима қилинган ва «гапирувчи» номлар аслиятда қандай бўлса, таржимада ҳам шундай қолдирилган «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссаси таҳлили мисолида фикримизни асослашга ҳаракат қиламиз.

Аввало шуни қайд этиш керакки, А.Некрасов асарининг икки бош қаҳрамони – Врунгель ва Лом тўқима образлар бўлмай, балки ҳаётда уларнинг прототиплари мавжуд бўлган. Жумладан, капитан Врунгелнинг прототипи А.Некрасовнинг Вронский фамилияли таниши бўлиб, у ўзининг денгиздаги саргузаштларини тўқима, лофлар орқали муаллифга сўзлаб берган. Унинг фамилияси ҳам асар бош қаҳрамонига мос келарди, шу сабабли муаллиф даставвал китобни «Капитан Вронскийнинг саргузаштлари» деб номлашни мўлжаллаган бўлса-да, дўстини хафа қилмаслик учун «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» деб ном беради [4].

Врунгелнинг катта ёрдамчиси Ломнинг прототипи эса денгиз мактаби курсанти Иван Манн бўлган. Бу персонажнинг фамилияси немис тилида «Mann», яъни «одам» маъносини англатса, француз тилида «одам», яъни «l'homme»нинг русча талаффузи «Лом» бўлади [4]. Демак, унинг фамилияси ҳам тасодифий эмас, уни ижодкор бир фамилиянинг турли тилларда турлича айтилиши асосида яратган.

Гарчи ҳаётда асар қаҳрамонларининг прототиплари бўлса-да, «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги бош қаҳрамон капитан Врунгель номининг маъносини асл грамматик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, у том маънодаги «гапирувчи» номдир. Чунки Врунгель фамилиясининг ўзагини «врун» сўзи ташкил қилиб, у ўзбек тилида «ёлғончи» маъносини англатади.

Уйдирма саргузаштларга ниҳоятда бой бу асар Қ.Пўлатов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Асар денгизчилар билим юртида ўқийдиган қаҳрамон ҳикояси асосида қурилган бўлиб, асарнинг дастлабки саҳифасида ёш китобхон денгизчилар мактабида навигация (кема турган жойни аниқлаш) фанидан дарс берадиган ўқитувчи билан таништирилди:

Аслиятда:	**Таржимаси:**
«Навигацию у нас в мореходном училище преподавал Христофор Бонифатьевич Врунгель» [5. С. 3].	«Бизнинг денгизчилар билим юртимизда навигация дарсини Христофор Бонифатьевич Врунгель ўқитар эди» [6. Б. 3].

Асардаги қизиқарли воқеалар ана шу Христофор Бонифатьевич Врунгель томонидан сўзлаб берилади. У ўзининг денгиздаги уйдирма ва ёлғонлардан иборат бўлган юришларини ҳикоя қилар экан, ўзининг «Врунгель» номини асар давомида тўла оқлайди. Қуйидаги бир неча мисоллар фикримиз далилдир.

Аслиятда:	Таржимада:
«Я, недолго думая хватаю конец антенны – и прямо в зуб, в дупло. Боль адская, искры из глаз посыпались, но зато приём опять наладился. И, поверите ли, так всю передачу до конца на зуб и принял» [5. С. 28].	«Кўп ўйлаб турмай, антеннанинг бир учини олиб, тишимнинг ковагига тиқиб қўйдим. Оғриқнинг зўридан кўзларимдан олов чиқиб кетди, ҳайтовур овозни қабул қилиш тикланди. Ишонасизми, шу тариқа ҳамма эшиттиришни, тишимга қабул қилиб олдим» [6. Б. 27].

Алоқани қабул қилиш ёмонлашган вақтда Врунгель антеннани оғриган тишига қўйиб, алоқани тузатади. Аслида бундай ҳолат рўй бермаслигини китобхон яхши билади, лекин асар муваффақиятини ҳам шу каби ёлғон ва тўқималар белгилаб берган.

Кейинги мисолда муаллиф болалар каби хаёлот оламига чўмгандай гўё. Чунки ҳар бир бола гоҳо аслида рўёбга чиқмайдиган хаёлларга берилади. Шундай мисоллардан бири селёдкаларни овлаб, бочкаларга солмасдан, уни денгиз ва океанлар оша худди подани ҳайдагандай қилиб, керак бўлган манзилга етказиб бериш тасвиридир.

Аслиятда:	Таржимада:
«… Незачем тратить огромные средства, незачем набивать селёдок в бочки, грузить на корабли и выгружать и выгружать снова, где это понадобиться. Не проще ли согнать селёдок в табун или в стадо – как хотите назовите – и гнать живьём до места назначения. Их уже поймали, собирались солить, но я приостановил это дело. Селёдок выпустили, согнали в табун, мы с Ломом подняли паруса и пошли. Лом встал в руль, а я уселся на самый нос, на бушприт, взял длинный хлыст, и, как только замечу какую постороннюю рыбину, я её по губам, по губам [5. С. 40-41].	«Бунинг маъноси шуки, сельд тутиш учун катта маблағ сарфлаш, уларни бочкага босиш, кемаларга ортиш ва зарур жойда яна тушириш каби оворагарчиликнинг сира ҳожати йўқ экан. Энг осон йўли сельдларни тўда-тўда қилибми ёки пода-пода қилибми – қандай атасангиз шундай атанг – белгиланган жойда тириклай ҳайдаб бориш яхши эмасми? Сельдларни тутиб, тузламоқчи бўлиб туришган экан, аммо мен бу ишни тўхтатдим. Балиқларни сувга қўйиб юбордик, ҳаммасини бир жойга тўпладик, Лом иккимиз елканларни кўтариб, кемани жилдира бошладик. Лом рулга турди, мен эса кеманинг нақ тумшуғига ўтирдим, қўлимга узун гаврон олиб сельдларни ҳайдаб кетдим. Бирон бегона балиқ кўрингудек бўлса, бошига савалаб ҳайдаб қолардим» [6. Б. 40].

Бир қарашда капитан Врунгелнинг ушбу иши – балиқ овлаш билан боғлиқ харажатларни камайтириш ҳамда вақтни тежашни кўзда тутадиган ўзига хос рационализаторлик таклифи. Бироқ балиқ тўдаси қўй подаси эмаски, уни гаврон билан хоҳлаган томонга ҳайдаш мумкин бўлса! Бунинг айниқса денгизда асло иложи йўқлигини ёш бола ҳам яхши билади. Бироқ муаллифнинг мақсади ҳам шунда акс этади. Яъни капитан Врунгель амалга ошираётган ишлар ақлга қанчалик тўғри келмаса, шунча қизиқарли, бу уйдирма, лоф ёш китобхонни шунчалик ўзига жалб қилади. Чунки, аслини олганда, «болалар арзимаган бир хасдан ҳам кашфиёт қилишлари, уни лангарчўп деб мириқиб ўйнашлари мумкин. Баъзан фарзандларимиз эртак қаҳрамонларига айланадилар: гуллар билан суҳбатлашадилар, хазонларни қайиқ қилиб саёҳатга чиқадилар, нима учун қушлар уларнинг қўлига қўнмаётганидан ажабланадилар» [5].

Назаримизда, «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари»ни барча халқлар оғзаки ижодида алоҳида ўрин тутадиган ва уйдирмаларга асосланган «Қирқ ёлғон» типидаги эртаклар асосида яратилган асарларнинг бир кўриниши дейиш ҳам мумкин. «Чунки бола учун эртак воқеликнинг айни ўзидир. У шунчаки китобхон ёки тингловчи эмас, балки ҳикояда рўй берадиган барча воқеа-ҳодисаларнинг бевосита иштирокчиси. Унинг «қўллари қичийди», оёқлари бир жойда туролмайди – у шу зумдаёқ жангга отланишга, адолат учун жанг қилишга, ўлимга маҳкум этилганларни қутқаришга, золимларни фош қилишга, поймол қилинган ҳақиқатни тиклашга ҳозиру нозир туради» [6. Б. 93].

Кейинги мисолда Врунгелнинг хаёлот олами реал воқеликда учрамайдиган яна бир ҳодиса, яъни кемада мачта ўрнига пальма (тропик дарахт) экилиши ва унда ажойиб боғ барпо этилишини ишонарли тарзда тасвирлаб беради.

Аслиятда:	Таржимада:
«А с мачтой так просто прекрасно у нас уладилось: выбрали небольшую стройную *пальмочку*, выкопали вместе с корнями, да так и поставили целиком. Сверху укрепили, как полагается, вантами, а внизу, в трюме, вместо балласта насыпали земли, полили, и знаете, принялась наша мачта. Потом плоды на пальме созрели, и так это приятно, знаете: стоишь на вахте, жара, мучает жажда, и в руке у вас *молодой кокосовый орех, полный свежего молока*. Прямо не яхта, а плавучая плантация…» [5. С. 145].	«Мачтани ўрнатиш жуда осонгина битди: силлиқ тўғри *хурмо* дарахтини танлаб илдиз-пилдизи билан ковлаб олдик-да, шундайлигича ўрнатиб қўя қолдик. Тепасини одатдагидек йўғон арқонлар билан, остини трюмга маҳкамладик, мувозанатни сақлаш учун тагига тупроқ солиб, сув қуйдик, мен сизга айтсам, мачтамиз кўкариб кетди. Кейин *хурмо мевалари* пишиб етилибди, бу шундай ёқимли эдики, асти қўяверинг, вахтада турибсиз дейлик, кун иссиқ, чанқоқлик тинкани қуритяпти, шунда мачтага чиқиб, сал қўл узатсангиз бас, *муздек ширин мевани* еб жонингиз роҳат қиларди. Бу кема эмас, сузиб юрувчи боғ эди» [6. Б.141-142].

Эҳтимол, катта ёшли китобхон бу воқеаларни уйдирма деб ҳисоблар, ёш китобхон эса гарчи бу саргузаштларнинг ёлғонлигини билса-да, унга ишонади, ҳатто уни ўзи давом эттиради ҳам. Чунки ёш боланинг ўзи ҳам табиатан лофга, уйдирмага ўч бўлади, унинг тизгин билмас хаёлот олами шуни тақозо қилади.

Таржима жараёнида аслиятдаги «пальма» дарахти ва «кокос» меваси таржимада «хурмо мевалари»га алмаштирилган. Аслида, бундай таржима қилиш аслиятни айни ҳолида қайта яратиш талабига мувофиқ келмайди, бироқ бу ўринда дарахт ва мева номининг ўзгаришини таржимоннинг ёш ўзбек китобхонига тушунарли бўлиши учун тропик ўсимлигини юртимизда ўсадиган дарахтга алмаштирганлиги билан оқлаш мумкин. Гарчи бугунги кунда болалар ҳам кокос ва пальма қандай ўсимлик эканлиги ҳақида тасаввурга эга бўлсада, таржимада ўз миллатига бироз мослаштириш таржиманинг савиясини туширмайди.

Юқорида Лом фамилияси «одам» маъносини англатишини қайд этган эдик. Ломнинг ташқи кўринишига берилган таъриф ва унинг одамгарчилиги воқеалар ривожида очиб берилади:

Аслиятда:	Таржимаси:
«И, должен признаться, мне повезло: мой старший помощник Лом оказался человеком изумительных душевных качеств. Вот, судите сами: рост семь футов шесть дюймов, голос – как у парохода, необыкновенная физическая сила, выносливость. При всём том отличное знание дела, поразительная скромность – словом, всё, что требуется первоклассному моряку» [5. С. 9].	«Менинг бош ёрдамчим Лом ажойиб фазилатлар соҳиби экан. Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг: бўйи етти футу олти дюйм, овози худди пароходникига ўхшайди, кучи девдек, сабр-бардошли. Яна бунинг устига ўз ишига устаси фаранг, ниҳоятда камтарин – қисқаси биринчи даражали денгизчига хос хусусиятларнинг ҳаммаси унда мужассам» [5. Б. 9].

Аслият ва таржимада Лом эркак кишига хос бўлган хусусиятларга эга этиб кўрсатиб берилган. Унинг камтар ва шу билан бирга ўз ишининг устаси эканлиги таъкидланган. Бинобарин, Лом ўта содда, ҳамма сўзни тўғри маънода тушунадиган, абжир йигит бўлиб, асарда Лом билан боғлиқ воқеалар тасвири ҳам лоф воситасида ифодаланган.

Аслиятда:	Таржимаси:
«Стою в руле, правлю так, чтобы не зацепить за мачты, а Лом ловит потерпевших прямо за шиворот, сразу по двое. Восемь раз так прошли и вытащили всех – шестнадцать человек во главе с капитаном» [5. С. 29].	«Рулни маҳкам ушлаб, кемани мачтага илашиб қолмайдиган қилиб бошқариб турдим. Лом эса чўкаётган одамларни нақ елкасидан ушлаб бир йўла иккитасини сувдан тортиб чиқараверди. Шу тариқа саккиз марта уриниб ҳаммасини – капитани билан бирга ўн олти одамни қутқариб қолдик» [6. Б. 29].

Бу тасвир кемаси денгизда чўкиб кетаётган денгизчиларни қутқаришнинг уйдирмага асосланган ўзига хос кўриниши бўлиб, Ломнинг юқорида қайд этилган ниҳоятда бақувват одамлиги ва инсоний фазилатлар эгаси эканлигини кўрсатишга хизмат қилади. Шунингдек, ушбу тасвирда унинг паҳлавонларга хос қиёфаси ёш китобхон кўз ўнгида шунчаки намоён қилинмайди, балки бола қалбида «қани мен ҳам шундай бўлсам эди» деган ҳавас уйғотувчи ибрат намунаси сифатида асарнинг тарбиявий аҳамиятини ҳам белгилайди.

Асарнинг яна бир қаҳрамони Фукс фамилияли матросдир. Бу фамилия ҳам «гапирувчи» ном бўлиб, «Фукс» немис тилида «тулки» деган маънони англатади. Врунгель Фуксни кўздан кечирар экан, унда уйғонган биринчи таассурот қуйидагича ифодаланган.

Аслиятда:	**Таржимаси:**
«Я смотрю – на вид парень ничего. Не очень молодой, но и не очень старый; ростом, правда, маловат, но по глазам видно – шустрый, и борода у него морского разбойника. Только те, по слухам, всё больше рыжие, а этот типичный брюнет. Грамотный некурящий, одет чисто, знает четыре языка – английский, немецкий, французский и русский. Это Лома особенно прельстило: он к тому времени, грешным делом, стал уже забывать английскую речь. Фамилия у нового матроса несколько странная – Фукс, но, знаете, фамилия – дело наживное, а мне ещё Лом на ушко шепнул, что Фукс этот – клад, а не матрос: прекрасно разбирается в картах» [5. С. 42].	«Йигитни кўздан кечирдим, кўриниши чакки эмас. Жуда ёш деб ҳам, жуда қари деб ҳам бўлмасди; бўйи пастроқ, аммо кўзлари ўткир, соқоли худди денгиз қароқчиларинникига ўхшар эди. Лекин айтишларича, қароқчиларнинг аксарияти сариқ бўлса, бу қорамағиздан келган эди. Ўқимишли, чекмайдиган, озодагина кийинган, тўрт тилни – инглиз, немис, француз ва рус тилларини билар экан. Ана шу томони Ломни, айниқса, қизиқтирибди, чунки Лом бу вақт ичида ўрганган инглиз сўзларини унута бошлаган эди. Янги матроснинг фамилияси бирмунча ғалатироқ – Фукс эди. Биласизми, кишининг исмида ҳам ҳикмат катта бўлади, тағин Лом қулоғимга аста: «Фукс – бу матрос эмас, олтин, картани ҳам жуда яхши билади», – деб шипшитиб қўйди» [5. Б. 42].

Бироқ Врунгель қанчалик тажрибали денгизчи бўлмасин, у ҳам Лом каби жуда ишонувчан. Гарчи Фукснинг фамилияси уни бир лаҳзага ўйлантирган бўлса-да, «бу ҳеч гап эмас, ҳаётнинг ўзи уни ўзгартириши мумкин» деб ҳисоблайди. Ломнинг «Фукс – бу матрос эмас, олтин, картани ҳам жуда яхши билади» деган таъкиди ҳам Врунгелни бироз чалғитади, чунки бекор вақтини карта ўйнаш билан ўтказадиган денгизчилар қарашича, картани яхши билмайдиган матрос ҳам матросми, шу сабабли ҳам у Фуксни – матрос, картани яхши билади, деб ўйлайди, ҳолбуки, Фукс, аслида, қиморвоз ва исми жисмига мос, тулки каби айёр шахс.

Аслиятда:	**Таржимаси:**
«Карты – это моя специальность, карты – это мой хлеб, только не морские, а, простите, игральные карты. Я, если хотите знать, я карточный шулер по профессии» [5. С. 44].	«– О, билганда қандоқ, – деди у. – Карта менинг мутахассислигим, менинг ноним, фақат денгиз картаси эмас, кечирасиз, ўйнайдиган карта. Агар росмана билишни истасангиз, қиморвозларнинг пириман» [6. Б. 44].

Таржимада икки жойда ишлатилган «карта» сўзи «харита» деб ўгирилмагани бежиз эмас. Чунки бу ўринда рус тилида «карта» сўзи икки хил – «игральная карта» ва «географическая карта», яъни «ўйин картаси» ва «географик карта» маъноларида ишлатилган. Агарда таржимон уни «харита» деб ўгирганида аслиятдаги сўз ўйини воситасида яратилган ҳолатга путур етказилиб, ушбу усул орқали келиб чиққан тушунмовчилик очиб берила олмасди.

Асардаги ўзини армия сержанти деб таништирган қаҳрамон Жулико Бандитто ҳам, аслида, оддий йўлтўсар ва қароқчи. Зеро, унинг исм-фамилияси ҳам «гапирувчи» ном бўлиб, рус тилидаги «жулик» сўзининг ўзбек тилидаги маъноси «муттаҳам» бўлса, «бандит» сўзининг маъноси «қароқчи»дир.

Аслиятда:	**Таржимаси:**
«– Сержант итальянской армии Джулико Бандитто к вашим услугам [5. С. 76].	«– Италия армиясининг сержанти Жулико Бандитто хизматингизга тайёр! – деди» [6. Б. 74].

Жулико Бандиттонинг асл қиёфаси ҳам узоққа бормай намоён бўлади.

Аслиятда:	**Таржимаси:**
« – Ах так? – говорит он, достаёт свисток, и вдруг, понимаете, из-за скал налетает рота головорезов. Щёлк-щёлк! – и, гляжу, весь мой экипаж в наручниках, и я в том числе» [5. Б. 77].	«– Ҳали шундай денг? – деди у ва чўнтагидан ҳуштак олиб чалди, бирдан қоя орасидан бир рота каллакесарлар ёпирилиб келди. Шарақ-шуруқ овоз чиқди, қарасам, бутун экипажим, ва шу, жумладан, мен қўлларимизга кишан солинган ҳолда турибмиз» [6. Б. 75].

Юқоридаги мисоллардан асардаги капитан Врунгель, Лом, Фукс, Жулико Бандитто образлари «гапирувчи» номлар таржима қилинмаган бўлмаса-да, бироқ таржима жараёнида бу номлар маъноси улар фаолияти ҳамда хатти-ҳаракатлари тасвири орқали очиб берилган.

Асардаги «гапирувчи» номнинг иккинчи кўриниши предмет номи билан боғлиқ. Капитан Врунгель дунё бўйлаб саёҳатга чиқар экан, кемасига «Победа» деб ном қўяди. «Победа»нинг ўзбек тилидаги маъноси «ғалаба» эканлиги маълум. Бироқ таржимон «Победа»ни гўёки маънони тўлиқ қайта ярата олмайдигандан кўринадиган «Бехатар» номи билан ўгиради ва асар воқеалари давомида бундай таржима қилинганлиги бежиз эмаслиги маълум бўлади.

Аслиятда:	**Таржимаси:**
«Я назвал яхту «Победа» вот славное имя, которое не стыдно пронести по всем океанам! Я заказал медные литые буквы и сам укрепил их на срезе кормы. Начищенные до блеска, они огнём горели. За полмили можно было прочесть: «Победа» [5. С. 12].	«Охири унга «Бехатар» деб ном бердим. Бу ўктам кемага берилган гўзал ном эди! Бу ном билан бутун океанларни кезиб чиқиш мумкин эди. Мен мисдан қуйма ҳарфлар ясаттириб уларни кеманинг қуйруқ томонига маҳкамлаб ўрнатдим. Ялтиллайдиган қилиб силлиқланган бу ҳарфлар оловдек порлаб турарди. «Бехатар» деган сўзни ярим миль узоқликдан бемалол ўқиш мумкин эди» [6. Б. 12].

Аслиятни ўқир эканмиз, мутаржим кема номи бўлмиш «Победа»ни «Ғалаба» деб ўгирганида «Ғалаба»даги дастлабки икки ҳарфни олиб ташлаганда узилиб қоладиган «лаба» ҳеч қандай маъно англатмаслиги нега «Бехатар» деб таржима қилинганини изоҳлайди. Кемани ясашда дурадгор янги кесилган ёғочларни ишлатгани сабабли, ёз бўйи қирғоқда қолиб кетиш оқибатида улар илдиз отиб кўкариб, буталар ҳосил бўлибди. Шатакчи кемани қўзғатишда қаттиқ тортганида буталари билан суғуриб олади. Бироқ бундай ҳаракат кеманинг қирғоқдаги ўт-ўланларга бирикиб кетган қуйруқ қисми узилиб кетишига сабаб бўлиб, кема ҳалокатга учрайди. Бу ҳолат кема ҳалокатга учрагани ҳақида газетада берилган истеҳзо, кесатиқ руҳидаги мақоладан келтирилган парчада ўз аксини топган.

Аслиятда:	**Таржимаси:**
«Вчерашняя авария на старте кругосветного похода как нельзя лучше оправдала оригинальное имя, которое капитан Врунгель дал своему судну…» Тогда я всё понял. Я бросился на корму, посмотрел. Так и есть: сбило две буквы – «П» и «О». Но сделать уже ничего невозможно: у газетчиков длинные языки. Врунгеля, капитана «Победы», никто не знает, зато весь мир узнал уже о моей «Беде» [5. С. 12 – 13].	«Кеча жаҳон бўйлаб сафарга чиқиш олдида юз берган авария капитан Врунгелнинг ўз кемасига қўйган номини тўла тўкис оқлади...» Ана шундан кейин ҳамма нарса равшан бўлди. Тезда кеманинг қуйруқ томонига бориб қарадим. Газетада ёзилгани тўппа-тўғри экан: «Б» ва «Е» ҳарфлари ўчиб кетибди. Энди ҳеч нарса қилиб бўлмас эди. Газетчиларнинг тили узун-да. Врунгелни, «Бехатар»нинг капитанини ҳеч ким билмасди, энди эса менинг «Хатар»им бутун дунёга маълум бўлган эди» [6. Б. 13].

Ушбу сатрлар таржимасида таржимон маҳорати ёрқин акс этади. «Победа» кемаси номи ўзбек тилида «Бехатар» деб ўгирилгани нақадар тўғри эканлиги таржимон «хатар» ва «бехатар» сўзлари иштирокида ўзбек тилининг бой имкониятларидан ўринли фойдаланганлиги аслиятдан кўра таржимада жонли тилнинг эмоционал бўёқлари ёрқинроқ ифода этилганлигида намоён бўлади. Предмет номи билан боғлиқ бўлган «Победа» сингари номларни таржима қилиш эса айни ҳолатдан келиб чиқиб, туб сўзни «Бехатар» сингари ясама сўз билан алмаштириш имконияти мавжуд эканлигини тасдиқлайди. Буни топиш ва ишонарли тарзда қайта яратиш эса таржимон маҳоратидан далолат беради.

Аслиятда:	**Таржимаси:**
«И пока мы шли морским каналом, нам со всех кораблей, как назло, кричали: – Эй, на «Беде», счастливого плавания!» [5. С. 13].	«Энди денгизга томон сузиб борар эканмиз, ҳамма кемалардан бизга худди кесатгандек: – Ҳей, «Хатар»дагилар, сафарингиз бехатар бўлсин! – деб қичқиришарди» [6. Б. 13].

«Победа»нинг ҳалокат оқибатида «беда»га айланиши «Бехатар»нинг «хатар»га айланиши тарзида таржима қилинганлиги ўзини нақадар асосласа, «Хатар»дагиларга «сафарингиз бехатар бўлсин» деб мурожаат қилиниши ҳам шу қадар табиийдир. Демак, таржимон ҳижжалаб, сўзма-сўз таржима қилишдан қочиб, унга ижодий ёндашиб, таржимада она тилининг бой имкониятларидан фойдаланганлиги ушбу мисолда яққол кўринади.

Юқоридан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкинки, «гапирувчи» номларни ҳамма вақт ҳам таржима қилиб бўлмайди. Таржимон қаҳрамонларнинг «гапирувчи» фамилияларини аслиятдагича қолдирганлиги бу каби «гапирувчи» номлар аслият тилида муайян маъно касб этишига алоқадор бўлиб, бу сингари ҳолатлар жаҳон халқлари адабиётида ҳар бир тил билан боғлиқ ҳолатда ўз тарихига эга эканлиги билан изоҳланади.

Адабиётлар:

1. *Виноградов В.С.* Лексические вопросы перевода художественной прозы. – Москва: Изд-во Московского университета, 1978. – 174 с.
2. *Саломов Ғ.* Мақол ва идиомалар тажимаси. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1961. – 162 с.
3. *Саломов Ғ.* Тил ва таржима (бадиий таржиманинг умумфилологик ва баъзи лингвистик масалалари). Тошкент. Фан, 1966. – 340 б.
4. *Левый И.* Искусство перевода. – Москва: Прогресс. 1974. – 395 с.
5. Капитан_Врунгель. [Интернет манба]. URL: https://ru.wikipedia.org/wiki/ (Мурожаат этилган сана: 14.05.2019.)
6. *Некрасов А.С.* Приключение капитана Врунгеля. – Москва: Детская литература, 1983. – 178 с.
7. *Некрасов А.С*. Капитан Врунгелнинг саргузаштлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – 176 б.
8. *Улуғова М.* Болалар шоири бўлиб туғилган // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил 2 август.
9. *Маршак С.Я.* Право на взаимность. – Москва: Советская Россия, 1973. – 163 с.
10. *Тўлаков И*. Қайта яратиш машаққати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1987 йил 27 ноябрь.
11. Қуронов Д. Талқин имконлари.- Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015.

PECULIARITIES OF THE TRANSLATION OF «SPEAKER» NAMES IN A. NEKRASOV'S STORY «THE ADVENTURES OF CAPTAIN VRUNGEL»

D.Ch.Igamuratova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 5(49). 68 – 75.

[1]Uzbek Language, literature and folklore Institute of the Science Academy of the Republic of Uzbekistan, Tashkent, 100060, str. Shakhrisabz, 5 (Usbekistan). E-mail: uzlit@uzsci.net).

Keywords: literary translation, artistic meaning of the hero, A. Nekrasov, the main characters of the story, «speaking» names.

The article is devoted to the Uzbek translation of the fantastic adventure story by A. Nekrasov «The Adventures of Captain Vrungel».

The relevance of research is to study the re-expression of creative artistic intent and skill in prose translation, especially in the translations of children's adventure-fiction prose and to show various aspects between translations of «speaking» names (personal names and names of objects) in the story of A.Nekrasov from the point of view of the theory of «translatability» and «non-translatability» in literature. A definition of the problems that arises when translating «speaking» names is given. The article widely analyzes the translation of the «speaking» names found in the story.

The translation provides with an in-depth analysis of the two groups of famous horses used in the works and their important aspects, as well as the «talking names» used in the translation of A.Nekrasov's «Adventures of Captain Vrungel». is displayed. The peculiar aspects of translation are presented, as well as translations of some works related to the problems under study in terms of determining the specifics of translations in individual cases.

The «speaking» names in the work of A. Nekrasov were chosen as the object of studies.

Based on the purpose of the study, comparative and historical methods were used in the work.

Comparative analysis is approached in two ways: in terms of the scientific process and the translation process. Translation alternatives are compared and an attempt is made to study the whole in a comparative-methodological-typological method, generalizing the literary-aesthetic issues of translation.

Sources for the study of translations of A. Nekrasov's works into Uzbek, comparison and scientific research of translation alternatives summarize the scientific facts and information necessary for the history of translation and criticism of Uzbek translation studies;

As a result of comparative analysis of translations of A. Nekrasov's works into Uzbek, the role of translation practice in the development of inter-literary relations is highlighted;

It has been shown that research materials can be used in in-depth study of the history of translation and critical processes in the science of translation, and can be used as a source by students, researchers and specialists in the field of philology.

The reliability of the research results is explained by the fact that the problem is clearly stated, the conclusions are based on historical-comparative, comparative-typological and analytical methods, the use of reliable theoretical sources.

References:

1. Vinogradov, V.S. (1978) *Leksicheskie voprosy perevoda hudozhestvennoj prozy* [Lexical issues of translation of literary prose]. Moscow: Izdatel`stvo Moskovskogo universiteta.

2. Salomov, G. (1980) *Maqol va idiomalar* [Proverbs and idioms]. Tashkent: O'zFA nashriyoti.

3. Salomov, G.(1966) *Тил ва таржима* [Language and translation]. Tashkent: Фан.

4. Leviy, I. (1974) *Iskusstvo perevoda* [The art of translation]. Moscow: Progress.

5. Kapitan_Vrungel' [Captain_Vrungel]. [Online]. URL: https://ru.wikipedia.org/wiki/ (Date of Access: 14.05.2019).

6. Nekrasov, A.S. (1983) *Priklyuchenie kapitana Vrungelya* [Captain Vrungel's Adventure]. Moscow: Detskaya literature.

7. Nekrasov, A.S. (2019) *Kapitan Vrungelning sarguzashtlari* [Captain Vrungel's Adventure]. Tashkent: Yangi asr avlodi.

8. Ulug'ova, M. (1992) Bolalar shoiri bo'lib tug'ilgan [Born a children's poet]. O'zbekiston adabiyoti va san'ati. August 2.

9. Marshak, S.Ya. (1973) *Pravo na vzaimnost'* [The right to reciprocity]. Moscow: Sovetskaya Rossiya.

10. Tulakov, I. (1987) Qayta yaratish mashaqqati [The diffi culty of reconstruction]. O'zbekiston adabiyoti va san'ati. November 27

11. Kuronov, D. (2015) Talqin imkonlari [Interpretation possibilities]. Tashkent: Turon zamin ziyo

Муаллиф ҳақида маълумот:
ИГАМУРАТОВА Дилрабо Чариевна – ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти кичик илмий ходими. E-mail: igammuratova@mail.ru